

Душманларнинг энг адоватлиси — нафсдир



19:00 / 17.02.2022 2346

Шайх, аллома Муҳаммад ибн Аҳмад Шатирий раҳимахуллоҳ айтадилар:

«Нафсга қарши жиҳод қилиш душманга қарши урушиш, жиҳод қилишдан машаққатлироқдир. У ўзаро кураш ва жангу жадалдир. Унда ирода қуввати ва иймон қувватига эҳтиёж бор. Чунки у душманларнинг энг адоватлиси — нафсдир».

Инсонда нафс тўзонлари тинчланса, ёмонлик ҳислари сокин бўлса, бунинг муқобилида унинг қалб тўридаги содиқ туйғулар қўзғалади. Ана шу ҳолат ўз эгасини Аллоҳга етакловчи биринчи қадамлар бўлади. Мазкур ҳисни уйғотган нарса нима бўлишининг фарқи йўқ. Шунингдек, унинг қай тарафга йўллангани ёки қай нарсага мойил бўлгани ҳам фарқ қилмайди. Чунки муҳаббатнинг йўли биттадир. Маҳбуб қандай бўлса ҳам, у йўлнинг қай тарафида турган бўлса ҳам, барибир. Энг муҳими, солиқ ўзига ёққан ва

Ўзи берилган бекатда тўхтаб қолмаса бас. Модомики, олдидаги йўл очик экан, у барча бекатлардан ўтиши лозим. У ўзининг ҳақиқий муҳбуби олдинда эканини билмоғи матлубдир. У ҳарчанд йўлда давом этар экан ва бекатлардан бирма-бир ўтар экан, ўз йўлини давом эттириш жозибаси уни ўзига тортаётганини ҳис қилади.

Биз умматларга ибрат ўлароқ нафс мавзуга оид Фузайл ибн Иёз ҳақида сўз юритсак. Аввал бу киши билан қисқача танишиб олайлик. Фузайл ибн Иёз ҳижрий 105 йилда Самарқандга қарашли Наса номли жойда туғилган. Бу жойнинг форсча исми Дарҳи кузу бўлиб, «манн водийси» маъносини англатади.

У ёшлигининг ярмини йўлтўсарлик қилиб, одамларнинг молини талаб, қароқчилик ва зўравонлик қилиб ўтказди. У Абювард ва Марв орасидаги тор йўлларда йўловчи мусофирларни пойлаб турар эди. Секин-аста ўша тор йўл унинг номи ила аталадиган бўлди ва у ердан ўтувчилар ҳамда карвондагиларнинг қалбига қўрқинч соладиган жойга айланди. Йўловчилар бир-бирларига унинг тузоғига тушиб қолмаслик учун ўша ерни четлаб ўтишни тавсия қилар эдилар.

Фузайл ўзи талаб олган молларни айш-ишратга, кўнгилхушликка сарфлар, лаззатлари учун ишлатар эди.

У ушбу нодонлик ҳаётининг авжида бир жорияни учратиб, уни севиб қолди ва ўзини унга бағишлади. Фурсат топиши билан унинг ҳузурига ошиқар эди. Бундай фурсатлар эса жуда оз бўларди. Унга боғланиб қолган Фузайлнинг йўлтўсарликка, мусофирларни пойлашга ва уларни таъқиб қилишга вақти қолмади. Жориянинг ишқи унинг қалбини ром қилиб, молиявий қизиқишларини унутди. Бу ишқ ундаги зўравонлик ва ёмонлик оловини сўндириб, шу жория ҳақида фикр қилишдан бошқага ярамай қолди, куну тун фақат унга етишиш йўллари ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолди.

Фузайл ибн Иёз ўзининг мазкур жорияга бўлган муҳаббати ва унга боғланиши орқали йўл бошига келди. Кечаларнинг бирида у карвон йўлини тўсиб, унинг молини талаш режасини тузиш ўрнига маҳбубаси ила қандай қилиб учрашиш режаси ҳақида фикр юрита бошлади. Ва ниҳоят, кечанинг охирги қисмида, ҳамма ухлаб ётганда ҳабибасининг ҳовлисига бориб, эшик қоқиб, сўраб ўтирмай, девордан ошиб тушиш режасини тузди.

Фузайл муносиб вақтни танлаш ва режасини амалга оширишга киришди. Тун қоронғусида жориянинг ҳовлисига етиб борди. У иккиланиб ўтирмасдан ҳовли деворидан ошиб ўтишга қулай жой ахтара бошлади. Тезда ўшандай жойни топди ва осилиб, деворнинг устига чиқди. Девордан ҳовлига тушишдан олдин атрофга диққат билан қулоқ солди. У шу ҳолда турганида, қулоғига тун қоронғусида бир қорининг Аллоҳ аза ва жалланинг қуйидаги оятини тиловат қилаётгани эшитилди:

﴿مَنْ كَفَرَ فَمَنْ يُلْمُهُمْ فَكَفَرُوا وَالَّذِينَ يَكُونُوا وَلَا الْحَقَّ مِنْ نَزَلٍ وَمَا اللَّهُ﴾ ﴿لِيُذَكِّرَ قُلُوبَهُمْ تَخَشَعُ أَنْ ءَامِنُوا لِلَّذِينَ يَأْتِيهِمْ

﴿فَنَسْفُوت﴾

«Иймон келтирганлар учун Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа қалблари юмшаш, айна чоғда, олдин китоб берилган, сўнг муддат ўтиши билан қалблари қотиб қолган, кўплари фосиқ бўлганларга ўхшамаслик вақти келмадими?!» (Ҳадид сураси, 16-оят).

Ўша онда Фузайлнинг қалби бефаросатликдан озод бўлди. Унинг қалбини ўраб олган қасоват парчаланди. Унинг қулоғига муҳаббат тўла раббоний калималар кириши билан бу калималарнинг шуъласи унинг қалбига етиб борди. Бу шуъла ундаги сўниб бораётган чироқни яна ёндирди, ўчиб бораётган оловни алангалатди. У бирдан қоронғу зулматни титратиб юборган овоз ила:

«Ҳа, Роббим! Вақти келди!» дея қичқирди.

Ўша лаҳзанинг ўзида унинг зоти тамоман ўзгарди. У турган еридан тушди. Худди бир нарса чақиб олган одамдек ҳеч нарсага қарамай:

«Ҳа, Роббим! Вақти келди!» дея қичқирганча олға юриб кетди.

Ўша кечанинг охирида бу банда ила унинг Робби орасида сулҳ тузилди. Ўша зулматли соатда безори, қароқчи, йўлтўсар Фузайл ибн Иёз дафн этилди. Унинг ўрнига олим, парҳезкор, зоҳид, обид ва ҳакийм Фузайл ибн Иёз туғилди!

Энди у нима қилади? Қаерга боради? У Сарахсга қайтиб кетишни маъқул кўрди. Кеч кириши билан тунаш учун мусофирхонага борди. У ерда бир гуруҳ йўловчиларни кўрди. Уларнинг йўл юриш ҳақида ўзаро маслаҳат қилаётганларини эшитди. Шу пайт улардан бири: «Тонг отгунча кутиб турганимиз маъқул. Йўл хатарли. У ерда Фузайл бор», деди.

Фузайл уларни тинчлантириш учун олдиларига борди, сўнг томоғига йиғиси тиқилган ҳолда:

«Батаҳқиқ, Аллоҳ йўлни Фузайлдан тозалади. Мана, у сизнинг қаршингизда тавба қилган ҳолида турибди! Умид қиламанки, бугундан бошлаб мени фақат Аллоҳга қочган ҳолимда, У Зотнинг Байтул Ҳароми олдида кўрасизлар!» деди.

Сўнгра у керакли нарсаларини олиб, узоқ сафарга – Байтуллоҳ томон йўл олди. Йўл-йўлакай у ўз-ўзига гапириб борарди: «Мен кечаси маъсиятга қўл урар эдим. Бу ерда эса мусулмонлардан бир қавм мендан кўрқиб ўтирибди. Аллоҳ тавба қилишим учун мени уларнинг ҳузурига олиб келган бўлса керак. Аллоҳим! Ўзингга тавба қилдим. Тавбамнинг Байтул Ҳаромингни қўшни тутишим ила бўлишини истадим!»

Аллоҳга юзланган Фузайл ўз-ўзига зулм қилган ўтмишини ва гуноҳларга ружу қўйган пайтини эсидан чиқармади. У қанчалик Аллоҳга яқинлашса, У Зотнинг зикрини кўпроқ қилса ва сифатларини улуғласа, қалбидаги хавфи шунчалик зиёда бўлиб, Аллоҳ азза ва жалланинг ҳаққида йўл қўйган камчиликларига маҳзунлиги шунчалик ортиб борди. Унинг ҳузурида Аллоҳ зикр қилинса ва Қуръон тиловат қилинса, бу ҳолат яна ҳам зиёда бўлар эди.

Аллоҳ таоло нафсимизни тақвосини берсин, хатоларимизни мағфират қилсин!

Фойланилган манбалар:

«Хислатли ҳикматлар шарҳи» китоби

@arabicuz

Хуршид Маъруф тайёрлади